## Тарих

Ушбу мавзуда фикр юритишдан олдин бир оддий ҳақиқатни эслатиб ўтмоқчи эдик: тараққиётнинг ҳозирги босқичида ер юзида сирнинг ўзи қолмади, барча нарсаю ҳодисаларнинг хоссаси, хусусияти, белгиси — жами аломатлари ошкор бўлди. Инсон ақли фақат ер юзидаги сир-синоатларни кашф этиш билан чегараланмай (аслида, бу борада бирор юмуш қолмагач), замин қаърига ва тубсиз коинотга назар қилди ҳамда нигоҳи етган жойигача иншикоф этиб улгурди.

Минг афсуски, ана шундай кашфиётлар даврида одамзот ҳамон ўз вакили — бизнинг ватандошимиз — Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳақидаги чинакам ҳақиқатни билмай келаяпти. Азбаройи инсоний инсоф юзасидан холис ёзилган жуда оз битикларни ҳисобга олмаганда, кемаларга юк бўладиган даражада мўлкўл битилган ва саҳифаларида "Тамерлан", "Темурланг", "Оқсоқ Темир" тарзида ҳақоратли дарж этилган саҳифалардаги зот бизнинг фахрли бобокалонимизнинг ҳақиқий қиёфаси эмас, балки ул улуғ зотнинг тарашланмаган, қийшиқ кўзгудаги бадбашара аксидир. *(Парадокс: "Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама!" — мабодо, ойнанинг ўзи қийшиқ бўлса-чи?)* Яна афсуслар бўлсинки, мана неча юз йиллардан буён афкор омма У зотни ана шу чапланган суратига қараб таниб келмоқда, шунга суяниб баҳо бермоқда. Учинчи бора афсус шундан иборатки, бу ҳол ҳозирги кунгача, ҳатто бизнинг миллий матбуотимиз саҳифаларида ҳам давом этиб келаётир. Қойил қолиш керак, туҳмат ва ёлғонларнинг қора кўланкасига эмас, ўша чўнг Қояга, мана, асрлар оша У ҳеч нарсани писанд қилмай, мағрур турибди ва ҳамон одамларни оҳанрабодай ўзига чорлаяпти.

Бундай "англашилмовчилик" (агар юмшоқ қилиб шундай аташ ўринли бўлса)нинг сабаби иккита бўлиши мумкин. Биринчиси — ният холис, шу мавзуда фикр юритишга иштиёқ кучлидир-у, бироқ мавзуга доир маълумотлар етарли бўлмаслиги (ўрганилмаганлиги) эҳтимол. Шундай йўл тутиб, хатога қўл урганларни нодон дўстга қиёслаш мумкин: нодон дўстдан ақлли душман афзал. Демак, бу мавзуда қўлда ишончли манба бўлмаса, сукут сақлаган маъқул. Албатта, бирданига ҳукм сифатида эмас, бир неча маълумотларни муқояса қилиб, тадқиқот сифатида эълон қилинаётган чиқишлар бундан мустасно.

Иккинчи сабаб эса нохолис ёндашув ёки холис ёндаша олмаслик, яъни ғаразли мақсадлар қули бўлиб, тарих ҳақиқатини бузиб кўрсатиш ёхуд Шахсни ҳаракатга келтирган, унга куч ва йўналиш берган омилларни ҳис қила олмаслик туфайли тошни баҳолашга жорий этилган мезонлар билан тупроққа таъриф беришга ўхшаш масъулиятсизлик. Бундай ёндашув ҳозиргача атайлаб танлаб келинди ва унинг ҳосиласи ўлароқ, жамоатчиликда бир ёқлама тасаввур пайдо бўлди. (Чор истилоси ва шўро ҳукмронлиги даврида Соҳибқиронни қоралаш давлат мафкураси даражасида ташкил қилинди, оқибатда, халқлар ўртасида низо қўзғовчи, маданият ва санъат кушандаси, қонхўр ва бойликка тўймас даҳшатли бир зот тимсоли яратилди).

"Фожеа" (энди бу сафар қаттиқроқ қилиб айтганда)нинг кўламини тасаввур қилиш учун аниқ мисоллар келтиришга тўғри келади. Албатта, бу борада ватандошларимизнинг истиқлол йилларида таркиб топган холис ёндошув асосида яратилган китоблар асосидаги тасаввурлари асқотади, деб ўйлаймиз. Зеро, одамда тушунча бўлмаса, нимани қандай таклиф этсанг, шундай қабул қилаверади-да (олайлик, умрида олмани кўрмаган одамга картошкани тутқазиб, "шу — олма", дейилса, ишониб ўтираверади-да). Энди эса, Аллоҳга шукур, бизнинг маънавий бисотимизда бобокалонимиз тўғриларида шаклланган холис тасаввурларимиз бор, яъни ҳазратнинг ўзлари лутф қилганларидек, "Маҳак тоши"га эгамиз, унга уриб кўриб, ростни ҳам, ёлғонни ҳам ажрата оламиз.

Гапни ёлғонларнинг, алаҳсирашларнинг энг янгисидан бошлай қолайлик.

2005 йилда Москвада нашр этилган "Кто есть кто?" қомусий тўпламида минглаб машҳур кишилар ҳақида маълумот берилган (бу китобга кириш қандайдир даражада шараф ҳисобланар экан). Китоб ҳам мўъжизавор нашр этилган, телевизорнинг юзича катталикда, оғирлиги ҳам муболағасиз 4-5 кило келади. Нархи — 75 доллар экан. Унинг эгаси — ватанпарвар, зиёли зот бисотни менга тутқазар экан, оғриқ билан "Тамерлан" сарлавҳали мақолани очиб кўрсатди. Бир саҳифадан кўпроқ (нисбатан салмоқли) бу мақолани диққат билан ўқиб чиқдиму, унда, тўғриси, бир оғиз ҳам рост гап топмадим. Эмиш, Тамерлан туғма ногирон бўлиб, бир оёғи калта, шу туфайли оқсаб юрармиш (аслида, 1362 йилда Сеистонда Зуранж қалъасини фатҳ этиш чоғида камондан отилган ўқдан захм етган эди. Кейинчалик, 1382 йилда ўша камончи — мекронлик Мамақтув билан дуч ҳам келинади...). Бу ёғи яна ҳам қизиқ: гўё Тамерлан Ўрта Осиёда Чингизхон империясини тиклаш учун курашган ва 1370 йилда Самарқандни қаттиқ жангдан сўнг ишғол қилган. Давоми эса ўша эски "дийдиё" — Афғонистон (?)да 20 минг одамни тириклай лой ва тош билан қориштириб, девор тиклаган, Ҳиндистонда 1 млн. одамни қириб ташлаган...

Муқобил қараш эгалари Соҳибқирон ҳақида сўз юритганда нуқул қурбонлар, "бошдан тикланган минора"лар ҳақида жўшиб сўйлайдилар. Тўғри, одамкушликни асло оқлаб бўлмайди. Аслида, инсоният тарихи сонсиз қирғин-баротлардан иборат. Ҳозирги тараққиёт миллионлаб одамларнинг қонидан сув ичиб ўсган дарахтга ўхшайди. Хўш, қайси ҳукмдор қўл қовуштириб ўтирган? Бир пайтлар одамнинг калласини олиб ташлаш товуқ сўйишдек жўн нарса бўлган-ку! Уларнинг қай бирини эслайлик? Мана, Ўрта асрлар тарихидан бир неча мисол.

XV аср охирларида испанларнинг оёғи Америка қуруқлигига етгач, маҳаллий аҳолини аёвсиз қирди, уларнинг асрий маданиятини йўқотиб ташлади. Уларнинг шиори: "Бир ўлдирилган европалик учун юз ҳиндуни ўлдириш" бўлган. Аммо бундай хунрезликнинг бошида турган Кортес ёки Писаррони ҳеч ким эсламайди.

Испанлар кучга тўлиб, денгизга ҳукмронлик қилиб олгач, Англияга таҳдид сола бошлади. 130 кемадан иборат "Енгилмас армада" билан инглиз флоти 1588 йилда Ла-Манш бўғозида тўқнашди. Денгиздаги қонли жанг икки ҳафта давом этди. Тарафлардан қарийб 50 минг киши қатнашган бу тўқнашувдан жуда кам сонли одам омон қолди. Уруш қонунлари ана шундай шафқатсиз.

Машҳур Наполеон 1799 йил мартда Мисрнинг Яффа шаҳрини қамал қилганда 4 минг киши қуршовда қолади. Улар тирик қолиш шарти билан қуролларини топширадилар. Лекин қўмондон ваъдасини бажармайди — ёш, соғлом 4 минг жангчи қириб ташланади. Умуман, Наполеон армиясида миллионлаб одамлар ўлимга маҳкум этилди. У Россияга қарийб 700 минг лашкар билан кирган эди, қайтишда эса унинг қўл остидаги мағлуб қўшин 30 мингга ҳам етмасди...

бутунлай мос келмайди. У ўртамиёна даражадаги гувоҳнинг кўрган-кечирганлари ҳақидаги чалакам-чатти қайдлари, холос.

Тасаввурларимиз аниқ бўлиши учун, гарчи бу ёлғонларни қайд этишдан хижолатда бўлсак-да, хотираларни бир қур кўздан кечириб чиқишга мажбурмиз.

Иоан Шильтбергер номидан эълон қилинган битикларда кейинчалик Европада урф бўлган рицарлик қиссалари, романларига хос бўрттиришлар, муболағалар уфуриб туради (шунга кўра бу эсдаликлар Ғарб адабиётида яратилган Гулливер, Дон Кихот, Санчо Панчо сингари қаҳрамонларнинг ижод қилинишига турткибўлмаганмикан, деган андишага ҳам боради киши),

"Тамерлан миллионга яқин лашкар билан Сивосга ҳужум қилди, — деб ёзади Шильта, — шаҳарга етиб олгач, кўплаб кишиларни асир олди, уларнинг сафида тўққиз минг қиз бор эди". Анқара жангига Тамерлан бир миллион олти юз минг киши билан киришган, Боязид бир миллион тўрт юз минг кишини унга қарши қўйган. Бу рақамлар тарих китобларида қайд қилинганидан бир неча баробар кўп. Жумладан, Соҳибқирон "Тузуклар"ида "Қайсар тўрт минг отлиқ ва пиёда аскари билан менга қарши юзланди", деб қайд этган.

# ДУНЁ БИЛГАН «ТАМЕРЛАН»





## ёки Ёлғон қачонгача давом этади?

Тарих яна қанчалаб қонхўр, ёвуз ҳукмдорларни билади. Афсуски, улар сафидан алоҳида кишиларни ажратиб олиш ва фақат уларнигина лаънатларга буркаш адолатдан эмас.

Таассуфки, шу кунларда ҳам одамлар ҳақиқатдан йироқ, ғирт ёлғон гапларни ўқиб, унга ишониб келмоқда.

Ғарбда, умуман, дунёда бундай бир ёқлама тасаввурларнинг шаклланишининг ўз тадрижи бор. Бу ҳол ўша узоқ-узоқларга бориб тақалади ва бу ўринда ҳам биринчи қулоққа кирганни, эшитганни ўзгартириш қийин кечиши ҳақидаги бугун ҳам яшаб келаётган ақидалар амал қилмоқда. Қолаверса, негадир одамлар рост гапдан кўра ёлғонга ўч бўладилар ва ёлғон тез тарқалади, узоқ яшайди. (Ҳиндистонлик файласуф Ошо бу ҳолни шундай изоҳлайди: "Ёлғон — вақтнинг бўлаги. Вақт мунтазам ҳаракатда, шунинг учун ёлғон мунтазам тарқалиб туради. Ҳақиқат эса абадият каби бир жойда собит тураверади"). Шу жиҳатдан Иоан Шильтбергер (қисқача — Шильта)нинг хотиралари биринчи тасаввурнинг пайдо бўлиши, ёлғоннинг туғилиши ва яшаб қолишида асос бўлди, дейиш мумкин.

Москвада нашр этилган бир тўпламда ("Тамерлан",1992) Шильтанинг "Тамерлан ҳақида" хотираларидан парча берилган. Муаллифнинг ўз эътирофича, у Анқара жанги (1402)да Боязид қўшинлари сафида бўлган, асир тушиб қолган, сўнгра 6 йил Тамерлан қўшинида хизмат қилган. Ундан кейин Шоҳрух қўлига ўтган, Шоҳруҳ Мирзо Курдистонни Қора Юсуфдан озод қилиб, Мироншоҳга топширганда, қўшин сафида Мироншоҳ лашкарида қолган. Ҳақиқатан ҳам худди шундай.

Маълумки, Боязид Австрияни тор-мор этгач, қирол Лазарнинг қизига уйланган ва Анқара жангида Стефан бошлиқ серб рицарлари ҳам Самарқанд қўшинига қарши жангга кирган эди. Боязид енгилгач, кўплаб асирлар қўлга олинади ва улар сафида немис Иоан Шильтбергер ҳам бўлган.

Хизматдан бўшаб, юртига қайтгач, Шильтанинг ажойиб ҳикоялари кўпчиликни лол қолдиради ва унинг хотиралари тезда китоб ҳолида нашр этилади ҳам. Бироқ чекланган маълумотга эга бўлган Шильта воқеликни тўла ва ҳаққоний акс эттира олиши мумкин эмас эди. Ғарбда эса бу ҳолни ким инобатга олади, қизиқувчан европаликларга "ажабтовур" осиёликлар ҳақидаги афсоналар керак. Бир томондан Соҳибқироннинг Европа эллари орасидаги мислсиз обрўси (уни чинакамига халоскор сифатида тан олишарди), иккинчи томондан хотираларнинг эртакнамо руҳи немис сарбози эсдаликларининг жуда тез тарқалишини таъминлайди ва шундай қилиб, Ғарбда қандайдир "Тамерлан" ҳақида тасаввур пайдо бўлди.

Биз, Соҳибқирон бобомизнинг ватандошлари, воқеаларни ўз кўзи билан кўрган ва уни баҳоли қудрат акс эттирган одамнинг эсдаликларини бугунги тасаввур ва тушунчаларимиз билан таққосламайдиган бўлсак, шууримизда кўлмакда акс этган ой сурати жонланиши табиий. Гарчи эсдаликлар бўлиб ўтган воқеаларга (улар ҳам чалкаштириб юборилган) асосланган бўлса-да, ҳарқалай ҳақиқатга

Бундай муболағаларни Шильта Тамерланнинг шафқатсизлигини бўрттириб кўрсатиш учун етарлича қўллайди: "Тўққиз кунлик қамалдан сўнг Айнтоб шаҳри таслим бўлди. Шундан сўнг Сурияиннинг Дамашқдан сўнг энг катта шаҳри Бегесна (?) томон йўлга тушилди. Унда бир улкан ибодатхона бор эдики, ташқари деворида қирқта дарвозаси мавжуд эди. Ичкарисида жума кунлари 12 минг шам ёқилар, бошқа пайтлари 9 минг шамдон ёритиб турарди. Шамдонлар аксарият олтин ёки кумушдан эди". Ҳужум бошлангач, 30 мингга яқин одам ибодатхонага қочиб киради... Ғазабланган Тамерлан барча дарвозаларни ёпиб ташлайди, ибодатхонага эса ўт қўйилади. Шундан сўнг миллион лашкар билан Вавилонга қарши (?) юрилади. Шаҳар бир ойлик қамалдан сўнг таслим бўлгач, яксон қилиниб, ўрнига арпа экилади. Сув билан ўралган қаср ичидан олдин учта, сўнгра тўртта темир сандиқ олиб чиқилади, уларнинг ичи тўла олтин ва кумуш эди.

Бу даҳшатлар Шильтанинг алаҳсирашидан бошқа нарса эмас, негаки, у қайд этган шаҳарларнинг баъзиси харитада йўқ ва бу бедодликлар бирон солномада қайд этилмаган.

Ёлғон яна бошқа ўзанда давом этади. Гўёки Вавилондан қайтилгач, Тамерлан қўл остидагиларга тўрт ой давомида пойтахтидан тўрт ойлик йўл наридаги Кичик Ҳиндистонга юриш қилиш учун тайёрланишга буйруқ берган эмиш. Ҳолбуки, Ҳиндистон юриши Анқара жангидан анча олдин — 1398 йилда амалга оширилган эди. Эсдаликда ёзилади: "Ҳиндистон қироли у билан музокара бошлади ва унга икки центнер ҳинд олтини (араблардикидан аъло) тўлашга ваъда берди". Бу гапга ким ишонади? Бироқ дунё аҳли шундай ёлғонларга ишониб келди.

Шильтанинг талқинича, Ҳиндистондан қайтилгач, бойлик илинжида Султония, Мозондаронга элчилар юборилади. Шундан сўнг Исфаҳон қироллигига йўл олинади. (Исфаҳондаги бебош исёнчиларни жазолаш 1387 йилда юз берган эди). Яна муддао — мўмай бойлик. Шаҳар эгаллангач, 14 ёшдан юқори фуқаро қиличдан ўтказилади, 7 ёшдан кичик болаларни бир майдонда тўплаб, устидан отлиқларни юрдиришади. Шаҳарга ўт қўйиб, Самарқандга қайтади. Унинг пойтахтидан чиқиб кетганига 12 йил (?) бўлган эди.

Албатта, бу афсоналарга ақли расо одамнинг ишониши мумкин эмас. Қолаверса, бундай вайронагарчилик, қонхўрлик Соҳибқироннинг эътиқодига бутунлай зид ҳолатлардир. Унинг юришларидан мақсади бойлик тўплаш, қон тўкиш бўлмаганини ҳазратнинг ўзи шундай таъкидлаганлар: "Давлат ва салтанатимга боғлаган менинг биринчи тузугим — Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим". Бундай олийжаноб мақсаднинг моҳиятини тушуниш, Соҳибқирон фаолиятини баҳолаш учун киши камида маслакдош бўлиши лозим.

Ҳа, ровийнинг ёки носирнинг кимлиги у сўзлаган, баён этган ҳар бир калимада, сатрда акс этади. Насроний одамнинг ислом аҳкомларини ҳазм қила олмаслиги табиий бўлганидек, европаликнинг Осиё тартибларини тушунмаслиги ҳам бор гап экан. Бўлмаса, шунча ёлғон билан қоғозни қора қилган одам охирида бунчалар алжираб қолмаслиги мумкин эди. Эмишки, Самарқандга қайтгач, Тамерланнинг уч хотинидан энг ёши унга хиёнат қилгани маълум бўлиб қолибди. Кундошларнинг каттаси бу ҳақда иғво қилгач, "Ишонмасанг, унинг сандиғини кўр, сандиқда ўйнаши совға қилган узук ва унга ёзган ишқий мактуб бор", дебди... Хуллас, Хитой юришидан совуқ туфайли қайтган (?) ва севимли хотинининг хиёнатидан азоб чеккан Тамерлан вафот этибди. Уни шод-хуррамлик билан (?) дафн этишибди. Лекин унинг қабридан бир йил давомида даҳшатли чинқириқ эшитилиб турибди. Муллалар маслаҳатлашиб, барча асирларни озод қилишгач, овоз тинчибди.

Мана, тарихимиздаги энг ёрқин сиймо ҳақида Ғарбда тарқалган маълумот. Бу катта ёлғон ўзидан ҳам катта кўламларда тарқалгани, китоб кўплаб тилларга таржима қилингани (жумладан, 1866 йилда рус тилига) ҳам рост. Гарчи бу сўзларни ёзишда қоғоздан истиҳола қилган бўлсак-да, гап нимадалигини тўлароқ тасаввур қилиш учун тафсилотларни муфассал келтирдик.

Инсоф билан айтганда, бундай ҳолдан унчалик хафа бўлмаслик ҳам мумкин. Ахир у пайтда (XV асрда) халқлар ўртасида маданий алоқалар шаклланмаган, бунинг устига Соҳибқироннинг тарафини оладиган жонкуяри Ғарбда кезиб юрмаган бўлса, бундан ўзга нимани ҳам кутасан?! Қолаверса, воқеликни холис ёритишга уринишлар ҳам бўлган, фақат бу эзгу мақсадлар зулмат қўйнида милтиллаган шамдек ортда қолиб кетаверган.

Тўғриси, Ғарбда, умуман, дунёда Буюк Темур шахсига қизиқиш ўша пайтларда ҳам кучли бўлган (ҳозир ҳам сусайгани йўқ.) Бунинг сабаби оддий — шамолдан ҳам тез (Елдирим) Боязид қаршисида Европа тиз чўкиб турар, энг сараланган ҳарбий кучлари унинг шиддати олдида бўрон қаршисидаги пуфакдек дирдирарди. Темур Европани ана шу офатдан қутқарди. Уларнинг наздида Боязидга тенг келадиган куч ер юзида йўқ эди. Бироқ бирданига мўъжиза рўй берди. Хўш, ўша мўъжиза ким? — шу савол ҳаммани қизиқтирарди... Шу сабабли бу мавзудаги асарлар жуда тез тарқалган ва муттасил пайдо бўлиб турган, бошқа тиллардан иштиёқ билан таржима қилинган.

Академик Э. Ртвеладзе ва профессор А. Саидовнинг ёзишича,1415 йилдаёқ итальян католик черковининг ходими Бернардо де Мигнанелли лотин тилида "Тамерлан ҳаёти" деган рисола ёзган, лекин у ҳозиргача деярли ўрганилмаган. 1582 йилдан бошлаб Мадридда Гонзал Арагат де Молино Клавихонинг кундаликларини эълон қила бошлади. Англияда 1587-88 йилларда Кристофер Марлонинг "Буюк Темур" драмаси яратилди. Ибн Арабшоҳнинг "Темур тарихида тақдир ажойиботлари" китоби 1636 йилда лотин, 1658 йилда француз тилига таржима қилинди. Албатта, бу асар ва таржималарнинг савияси турлича бўлиб, муаллифларнинг воқеликка муносабати ҳам бир хил эмас эди. Айниқса, Ибн Арабшоҳ асарининг руҳи бизга таниш бўлганидан хулоса қилиш мумкинки, унинг китобининг тарқалиши билан ғайриҳақиқий фикрлар болалаб кетди.

Гарчи Ибн Арабшоҳ эҳтиросларига зўр бериб, қора буёқларни роса чаплаган бўлса-да, у Шахснинг ҳақиқий талъати олдида маҳв бўлади, яъни китобни ўқиган одам Соҳибқироннинг буюклигини тасаввур этиб, муаллифнинг аламзадалигини ҳис қилади, бироқ олди-қочдига ўч китобхон ҳар доим ҳам денгиздан марварид излайвермайди, унга шов-шув керак. "Тақдир ажойиботлари"да эса у етарлича топилади. Жумладан, Ибн Арабшоҳ ёзади: "Темур ва унинг отаси ҳайқироқ чўпонлардан бўлиб, на ақлию, на дини бўлмаган авом кишилар тоифасидан эканлар". Яна айтишларича, "Темурнинг отаси бениҳоя фақир этикдўз бўлган". Давом этади: "Кечаларнинг бирида у бир қўйни ўғирлади ва уни орқасига ўнгариб олди. Шунда чўпон камон ўқи билан уни елкасидан уриб яралади ва яна бир ўқ билан уни сонидан жароҳатлаб, ҳолдан тойғизди". (Қиёслаш учун келтирамиз: Русларнинг "Темир оқсоқ қиссаси" халқ китобида ёзилади: "Унинг касби қора темирчилик бўлиб, хулқи бузуқ — шафқатсиз, қароқчи, зўравон, ўғри эди. У ёшлигида очликдан бир қўйни ўғирлаб қочади. Одамлар уни тутиб олиб, оёғини синдирадилар...")

Нафсиламбрини айтганда, бундай олди-қочди гапларни қандайдир тўқима қаҳрамонга нисбатан ишлатиш мумкиндир, аммо бахтли соатда туғилган уч соҳибқироннинг бири, дунёдаги 27 мамлакатни бир туғ остида бирлаштириб, ҳудудларда тинчлик, эмну омонлик ўрнатган, илм ва фан ҳомийси, ҳаётлигидаёқ "сайф уд-дин", "сайф ул-Аллоҳ" деб таърифланган улуғ зотга нисбатан қўллаб бўлмайди, бу қилиқларни ул зотга пайвандлаб ҳам ёпиштириш мумкин эмас.

Шубҳасиз, ўтмиш келажак учун сабоқ. "Дунёда асло янги нарса йўқ, барча янгиликлар унутилган эскиликдир", дейишади. Агар келажак ҳар хил зигзаглардан, мунофиқликлардан холи бўлишини истасак, ўтмишга нисбатан ҳалол муносабатда бўлиш лозим. Зеро, маълум ҳикматда айтилганидек, "Сен ўтмишга тўппончадан ўқ отсанг, келажак сенга замбаракдан жавоб қайтаради", Ҳазрат Соҳибқирон шахсини камситган, ёлғон айблар таққан билан тарих ҳеч нарса ютмайди ёки ўзгариб қолмайди, у ўзининг боқий ҳукмини ўқийвериди ёхуд бу билан Соҳибқирон хотираси ҳеч нарса ютқазмайди, бундан келажакка ҳам наф йўқ; инсон қудратини ўз даражасида намойиш қила олган бир вакилини тан олмагани билан инсоният оламида ҳеч нарса ўзгариб қолмайди. Қолаверса, ҳақиқатни тан олмаслик бир чети ахлоқсизлик ҳамдир. Таассуфки, ҳамон бу жараёнга чек қўйилгани йўқ, қора чаплаш кампанияси ҳамон давом этаяпти. Демак, XXI асрда ҳам инсон ахлоқи ҳақиқатни тан олиш даражасигача юксалмабди-да.

Тўғри, Амир Темур ўз даврининг вакили, ҳукмдори сифатида фаолият кўрсатган. Ҳеч ким у зотни фаришта қилиб тақдим этмоқчи эмас, фақат замондошларимизнинг нуқул қора нуқталарни кўраётгани, нуқул ёлғонга суянаётгани кишининг ғашини келтиради, холос.

Масаланинг яна бир жиҳати бор. Бу мавзу шунчалар шишириб юборилганки, бир қарашдаёқ оқни қорадан ажратиб олиш осон кечмайди. Яқинда қўлимга бир китоб тушиб қолди, у рус тилида бўлиб, Нью-Йорк (АҚШ)да нашр этилган. Китобнинг устига оқ от минган, шоҳона кийинган суворий сурати туширилган бўлиб, у "Я — Тимур, властитель, вселенный. Жизнь и дятельность Тимурлэнга, описанный им самим", деб номланган. Устидаги қўшимча ёзувлари билан мулк сифатида дахлсизлиги таъминланган: Тузувчи — Марсель Брион (Франция), Забиҳулло Мансурий билан бирга. Китобни нашр этиш бўйича барча ҳуқуқ Мостауфи кутубхонаси томонидан амалга оширилган ва ҳимояланган. Ношир — Абдул Жалил Абдуррашид.

2004 йилда чоп этилган бу китоб еттинчи (!) нашр экан.

Китоб билан танишиб чиқиш имкони бўлди. У қарийб 500 саҳифадан иборат, нусха кўчириш йўли билан кўпайтирилиб, чоп этилганга ўхшайди. Унда худди шунга ўхшаш бошқа китобларда бўлгани каби бир чимдим ҳақиқат бор — фарзандларнинг исми, шаҳзодаларнинг таржимаи ҳолига доир баъзи унсурлар мос келади. Китобда, жумладан, шундай маълумот келтирилади: "Темурлэнг Чиғатой маликасига уйланди ва малика уч ўғил туғиб берди". Бу далил бутунлай хато. Китобнинг ҳақиқийлик даражаси ҳам шу баландликда. Асар диний-фиқҳий маълумотга эга (чунки унда Темурлэнгнинг олимлар билан Қуръон юзасидан мубоҳасалари жуда чуқур ёритилган), лекин Соҳибқироннинг ҳақиқий ҳаётидан чала хабардор киши томонидан ёзилгандек. Таассуфки, у бевосита ҳазратнинг ўз қўли билан ёзилган, деб эълон қилинаяпти ва йиллар давомида бир эмас, икки эмас, еттинчи марта нашр этилаяпти.

Жамоанинг бу китобни чиқаришдан муддаолари нима эканлиги бизга аниқ эмас-у, бизнингча, у тижорат мақсадида чоп этилганга ўхшаб туюлди. Бу ҳам ўзига хос ёндошув.

Демак, барча машҳур кишилар ҳаётига нисбатан бўлганидек, ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур шахсига қизиқиш яшаб келаётган экан, энди бу масалага муносабатда бир тўхтамга келиш фурсати етди. Негаки, афкор омма ҳар доим бўлганидек, ҳақиқатни, фақат ҳақиқатни билишни хоҳлайди. Шундай экан, бу мавзудаги турли даражадаги битикларнинг ҳаммасини Соҳибқирон бобомизга нисбат бериш инсофдан эмас. Негаки, ҳар қандай одамнинг битта, ягона қиёфаси бор — бу оддий ҳақиқат. Паканани дароз деб бўлмаганидек, ўғрини тўғри деб ҳам бўлмайди.

Энди юз йиллар оша шаклланган фикр оқимини элакдан ўтказадиган бўлсак, ҳозиргача муносабатлар икки қутбда жамланди: 1) уйдирма (тўқима) ва 2) рост гаплар. Шунга мос равишда икки тимсол юзага келди: биз юқорида изтироб билан келтирган "фазилат"лар билан безанган "Тамерлан" қиёфаси ва энди-энди маълум қилина бошланган Амир Темур, Буюк Темур қиёфаси. Шуниси аниқки, Тамерлан, бу — Амир Темур эмас, Кешда туғилган, Ўтрорда вафот этган, Самарқандда абадий қўним топган зот эмас. Тамерлан турли савия ва эътиқоддаги одамлар ижод қилган тўқима образ. Биз энди ана шу икки ҳақиқат орасидаги чегарани тан олайлик-да, кейинги ҳаракатларимизда шунга амал қилайлик. Зеро, ҳозиргача тарих ҳақиқатига, қора чаплаб келингани ҳам етар. (шу далил ҳам борки, мавзуга нисбатан одилона ёндошган В. Бартольд, Г. Вамбери, Т. Грановский, Л. Зимин, М. Иванин, Л. Лянглэ, А. Якубовский ва бошқа кўплаб тадқиқотчилар ўз қаҳрамонларини "Темур" деб атаганлар. Демак, Темур ва Тамерлан атамаларини қориштириб юбориш (бир шахс деб талқин қилиш) ҳалол олимлар меҳнатини камситиш ҳам бўлади. Бинобарин, энди икки тушунча орасидаги чегара (тўсиқ) қатъий бўлиши шарт.

Дунё турли тилларда ҳозиргача Тамерлан ҳақида етарлича ҳикоя тинглаб келди. Бу ҳикоялар аксар ёлғонга асосланган эди. Шунга мос равишда миллионлаб одамлар шуурида Соҳибқирон Амир Темур ҳақида чалкаш тасаввурлар шаклланди. Бу чалкашликлар туфайли кўп ножоиз ҳаракатлар воқе бўлди, бу ҳол ҳамон давом этаяпти. Бу, албатта, маърифатсизлик, бехабарлик аломати. Шахснинг чинакам бўй-бастини тасаввур қила олмаслик ёки тасаввурга сиғдира олмаслик туфайли ул зотни кимларга тенглаштиришаяпти? Шундай беписанд кимсалар ҳеч қурса дунё харитасини тиззасига олиб, жаҳонгир отда босиб ўтган йўлларни ҳисоблаб чиққанда ҳам унинг қудратини ҳис қилган бўларди. Ёки уни кимлардир Дон Кихотдек бир суворий деб тасаввур қилар, бироқ улар қарийб олти юз йил ҳукмронлик қилган авлодларни, юзлаб шаҳзодалар, маликаларнинг асъасаю дабдабасини кўз олдига келтирганда, ул зотнинг жўн бир шахс эмаслигини тушунган бўларди.

Ҳар ҳолда, биз маърифатнинг кучига ишонамиз. Буюк Темур ҳақида чинакам ҳақиқат энди баралла айтилмоқда, шу руҳ билан суғорилган китоблар яратилаяпти. Уларнинг дунё бўйлаб тарқалиши улуғ бобокалонимиз чинакам қиёфасини одамзотга намоён этиб кўрсатгусидир.

**Ҳаким САТТОРИЙ**

## Хабар

# КИПРИКДАГИ ЁШДАЙ ЮРИБДИ ДОРБОЗ...

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармалари миллий дорбозлик ва анъанавий цирк санъати жамоаларининг Республика фестивали ўтказилди.

Фестивал Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида очилиб, ушбу миллий спорт байрамига Республикамизнинг турли вилоятларидан келган 18 та жамоа қатнашмоқда. Дорбозлик санъати ўзбек миллий халқ ижодиётининг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ноёб туридир. Узоқ ўтмишга эга бўлган бу санъатнинг ворислари мамлакатимизнинг турли чеккаларида бугун ҳам ижод қилмоқдалар. Айни пайтда мамлакатимизда йигирмадан ортиқ миллий дорбозлик жамоалари фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур фестивални ўтказишдан асосий мақсад дорбозлик санъати соҳасидаги бадиий ҳаваскорлик йўналишини ривожлантириш, янги истеъдодларни кашф этиш, ёш авлоднинг миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маданий меросимизга бўлган меҳр-муҳаббатини ошириш ва тарихий-маданий меросимизни кенг тарғиб қилишдан иборатдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу ўзига хос миллий спорт байрами шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди, зеро кўклам келиши билан ўзгача тус олган, Юртбошимиз ташаббуси билан қайта яшарган Абдулла Қодирий боғи айниқса фестивал кунларида янада гавжум бўлди.

Фестивал ташкилотчилари режаларига кўра, тадбир ғолибларини шарафлаш маросими пойтахтимизнинг яна бир гўзал маскани — Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Буюк шоир номидаги дам олиш масканидаги тантанали маросим дорбозлар ва полвонлар, анъанавий цирк усталари чиқишлари билан серфайз боғда дам олувчилар руҳига ором бағишлади.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчилар чиқишларига баҳо берар экан, Фарғона вилояти, Фарғона туманининг "Водиллик дорбозлар" гуруҳини якдиллик билан биринчи ўринга, Қўқон шаҳридаги "Қўқон минори" дорбозларини иккинчи ва Андижон вилояти дорбозларини учинчи ўринга муносиб деб топдилар. Шунингдек, шаҳрисабзлик дорбозлар "Устоз-шогирд анъаналарини муваффақиятли давом эттираётгани учун", фарғоналик Хуршида Мамажонова "Энг ёш дорбоз" ва шоҳимардонлик Азизибек Маҳкамов "Дорбозлик санъатида қадимий ўзбек полвонлари анъаналарини сақлаб келаётганлиги учун" каби номинациялар бўйича ғолиб деб топилдилар. Ғолиб ва совриндорларга диплом, фахрий ёрлиқ ва қиматбаҳо совғалар топширилди.

**"Мерос-Нъюс" ахборот хизмати**

# МАНГУ БАРҲАЁТ СИЙМО

*(Бошланиши 1-бетдан)*

Бошқа бир арман муаррихи Мовма (Фома. – Таҳ.) Мецопский ҳам "Темур ва унинг авлодлари" китобида айнан ана шу даъвони такрорлайди.

Хуллас, буюк Соҳибқирон ҳақидаги бундай зиддиятли мулоҳазаларни кўплаб қайд этиш мумкин. Бундан юз йилча бурун — 1898 йилда Санкт-Петербургда чоп этилган "Икки тўлқин" асарининг Амир Темурга бағишланган иккинчи китобида Владимир Череванский бундай сўзларни битган эди: "Бўлажак Ҳаммерлар, Шлоссерлар, Гибонлар ва нуфузли тарихнависларнинг гултожи бўлмиш олимлар ҳам Темур ҳақидаги қарашларни тартибга солажагини башорат қилишга асос йўқ".

Ўтган юз йиллик вақт бу фикрнинг тўғрилигини исботлади. Юз йилдан кейин ҳам бу сўзлар яна такрорланса ажаб эмас.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг Амир Темурга лутфу инояти ҳақида бир ривоятда Соҳибқироннинг ўз оғзидан шундай деб ҳикоя қилинади: «Рум дорилмулкига юриш этмоқ учун аввало ҳазрати Шайх Яссавий мақомотидан ўтдим, ўшал муқаддас масканни зиёрат қилдим. Шайх менга башорат қилиб, дедиларким, ҳар вақт бошингга бирор мушкулот тушса, мана бул рубоийимни ўқурсан:

***"Ялдо кечани шамғи***
***шабистон этган,***
***Бир лаҳзада оламни***
***гулистон этган,***
***Бас, мушкул ишим тушибдир,***
***осон этгил,***
***Эй, барчани мушкулини***
***осон этган!".***

Мен бу рубоийни ёд олдим. Рум лашкарига рўбару келишдан олдин мазкур рубоийни етмиш маротаба ўқидим. Зафар ҳосил ўлди"

Бунёдкорлик, ободончилик ишларига Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари алоҳида эътибор билан қараганлар.

Фикримизга Ибн Арабшоҳ асарида қайд этган бир маълумот яққол мисол бўла олади.

Муаллиф ўша даврда Самарқандда бунёд этилган бир қанча қишлоқ Шарқнинг Миср (Қоҳира) Дамашқ (Дамашақ), Бағдод, Султония ва Шероз каби машҳур шаҳарлар номлари билан аталганини ҳикоя қилади.

Моҳир ҳунармандлар ва халқнинг пешона тери билан юзага келган мазкур қишлоқлар, донгдор шаҳарлар номини беришдан мақсад Самарқандга нисбатан оддий бир қишлоқ деб кўрсатиш эди.

Ҳарбий тарих бўйича етук олим, истеъфодаги полковник Муҳаммад Асадуллоҳ Сафонинг "Темур" номли илмий-оммабоп асарида ёзма манбаларга таяниб қуйидаги маълумотлар келтирилади: "Бағдод ҳокими Султон Аҳмад Амир Темур ҳақида маълумотлар келтириш учун ўз жосусларини Самарқандга жўнатган эди. Бир қанча муддат ўтгач, улар Самарқанддан ҳайратомуз маълумотлар билан қайтиб Султон Аҳмадга: «Э, Ҳазратим! Самарқандда кўзимиз билан кўрганларимизга ўзимизнинг ҳам ишонишимиз қийин. Чунки у бутунлай илгариги Самарқандга ўхшамайди. Шаҳар ҳозир мовий гумбазлару беҳад мармарлардан бунёд этилган шаҳарга айланган. Биз ўзимиз Соҳибқирон қурувчиларни бир сарой қурилишидан ишларини кўриб гувоҳи бўлдик. Амир ҳазратлари бинокорларнинг ишларидан норози бўлиб, уни қабул қилмайдилар. Ва ўша иморатни пойдевори билан бузиб ташладилар. Сўнгра эса ҳар куни отига миниб келиб, 20 кун давомида саройни батамом қайтадан қурдирдилар. Биз кўрганга Аллоҳ шоҳид ҳеч ақл бовар қилмаган маҳобатли бу қасрни 20 кун давомида қайтадан қурдириб, унинг охирги тошини ҳам, равоқини ҳам, ҳатто куббалардаги сайқални ҳам ҳамма-ҳаммасини шу 20 кун давомида мукаммал тугатдилар. Қасрнинг равоқи 24 (рамқ) газ бўлиб, унинг энига эллик киши саф тортса ҳам жойлашади", — дедилар.

Бу мангу барҳаёт сиймонинг тарихини ўрганиш миллий мустақиллигимиз қўлга киритилгандан сўнг бошланди, десак, муболаға бўлмас. Ҳазрат Соҳибқироннинг юбилейлари муносабати билан мамлакатимизда бу борада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

**Ўрол ЎСАРОВ**

Қадрият

***Фарзанд ва шогирдни одоб-ахлоқли ва илм-ҳунарли қилсак бўлди-да, деб ўйлаймиз. Бироқ одамни асл инсон сифатида намоён этадиган тарбиянинг яна шундай бир муҳим томони борки, буни фаҳм-фаросат, уқувлилик деб атаса ҳам бўлади. Азал-азалдан ўзбекларда бу тарбияга эътибор қаратиб келинган. “Ўтин ёрганда бир танга, ўргатганга ўн танга”, деган нақл бекорга айтилмаган. Ёки бўлмаса, “ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи бошқа бўлишлик”нинг ҳам фаҳм-фаросатга, феъл-атворга алоқаси бор. Хўжайин қўл остидаги икки хизматкорга бир ишни буюриб, икки хил ҳақ тўлаганидан ажабланган кишига шундай жавоб берган экан:***

# ФАРОСАТ — ОДОБ ЗИЙНАТИ

— Мана бу хизматкоримга карвонсаройга бориб, у ерда нима гаплигини билиб келишни буюрдим. У бориб келди, ва: “Мисрдан келган савдогарлар турибди. Яна икки кундан кейин йўлга чиқар экан”, деди. Иккинчи хизматкоримга ҳам шу хизматни буюрдим. Унинг жавоби бундай бўлди. “Ҳақиқатдан Мисрлик савдогарлар келишибди. Ўнта туяда буғдой, яна ўнта туяда ҳар хил ноёб моллари бор экан. Биздан шойи, атлас, беқасам, бўз, сурп, чит, сатин харид қилишмоқчи экан. Яна бир неча туяда майиз, ўрик қоқи, хуллас қуруқ мевалар ҳам сотиб олишмоқчи. Агар молларини кўтарасига сотишса, шу ердан ўзларига керак нарсаларни олиб, яна юртларига қайтишар экан”,- деди. Мен биринчи хизматкоримга уч танга, иккинчисига ўттиз танга хизмат ҳақи бердим.

Ҳа, фаҳм-фаросатнинг баҳоси шунақа! У инсоннинг маънавий сифатини, қиёфасини белгилаб беради. Ота ўғлига деди:

— Итимиз болалабди, бориб кўриб кел-чи?

Бола қайтиб келди:

— Кўрдим, учта кучук туғибди. Иккитаси олапар, биттаси жигар рангли экан. Иккитаси урғочи, биттаси эркак. Учаласи ҳам ўзини тетик тутиб турибди.

Шу ерда ота ғурурланиб: “ишни бундай фаросатли уддалаганинг жуда яхши”, - дебди.

Бола сўзида давом этибди:

— Жойларини тозалаб қўйдим. Янги овқат ейдиган идиш қўйдим. Бироздан сўнг овқат бераман.

Ота яна қувониб:

— Боламнинг бу фаросати унга онасидан ўтган”, - деди.

Икки падар ўз фарзандларини фаҳм-фаросати ҳақида баҳс юритиб қолибдилар.

— Эй, биродар бизнинг бир гапимиз ҳам, юз гапимиз ҳам исботсиз бир чақага арзимайди. Ахир, ота-боболаримиз: “Сўз ва иш исботи билан”, деганлар. Келинг, яхшиси ўғилларимизни чақириб бир имтиҳон ўтказайлик, — дебди биринчи ота.

— Тўғри айтасиз, —дебди иккинчи ота.

Биринчи ота ўғлини чақириб:

— Болам, бозорга тушгин-да, ўзимизга, сигиримизга ва товуғимизга бирор егулик нарса харид қилиб келгин, — дебди.

Бола бозордан битта тарвуз кўтариб келибди:

— Ўйлаб-ўйлаб, шу тарвузни олдим. Ўзимиз ичини, сигиримиз пўчоғини, товуқларимиз уруғини ейди, — дебди.

— Балли болам, фаросатингга! Ота ўғли шундай бўлади, — дебди қувониб кетганидан отаси.

Иккинчи ота ўғлини чақриб гапга солибди.

Фарзанд падар сўзларига унчалик эътибор қилмасдан туриб, бепарволик билан янги сотиб олган этигини чопонининг этаги билан арта бошлабди.

Бу ҳолатни кўрган биринчи ота:

— Фаросатингга қойилман-да, чунки этикни ўз пулингга сотиб олибсан. Аммо, чопон отангнинг пулига олингани аниқ. Топилган пулнинг тагида меҳнат ётади. Ўз меҳнатингни қадрлаяпсан-у, отанг меҳнатини менсимаяпсан. Бунга фаросатинг етмаганига ҳайрон қолаяпман, — дебди.

Икки падар ҳолатлардан ҳам суюнибди, ҳам куйинибди. Шунинг учун ҳам: “Отасини кўриб куёв, онасини кўриб келин танла”, деганлар.

— Отамнинг бир қадрдон дўстлари бор эди, — дейди Бурхониддин ака деган танишим. — Бир куни ўша дўстиникига меҳмонга борибдилар. Қарасаларки, ювилган кийимлар орасида аёл кишининг лозими, ички кийимлари ҳам осилиб турибди. Шу-шу ўша дўстлариникига бормай қўйибдилар.

Бир кун аммам онамга қараб:

— Аёл кишининг ички кийимларини очиқ жойга осиб бўлмайди. Шайтон ўйнайди, “ҳаром қилади”, дедилар. “Билгингки, хотинда фаросат бўлиши керак. Бу тарбияни қизларга ёшлигидан бошлаб ўргатишимиз зарур. Кейинги пушаймон, ўзингга душман, уят эса ўлимдан қаттиқ”, -дегандилар аммам сўзларида давом этиб.

Фарзандларимиз, шогирдларимиз ўғил бўлсин, қиз бўлсин фаҳм-фаросат тарбиясига мос келадиган бўлсинлар. “Фалончи қовун тушириб қўйибди-да!” деган гаплар ҳам айнан шу фаросатсизликка берилган баҳодир. Шаҳриддин ака, деган танишим бор. Шу ажойиб инсоннинг ёши қирқларга яқинлашган фарзанди юрак хасталигига чалиниб қолганди. Тиббиёт мутахассисларига, ҳатто табибларга ўғилларини кўрсатиб, даволатдилар. Лекин Шамсиддинни жарроҳлик йўли билан даволаш зарур, дебди мутахассислар. Мақталган ва тавсия этилган шифокорга йўл топиб, ўғлини унинг ҳузурига олиб борибдилар. Илк учрашишларидаёқ машҳур дейилган профессорда иликлик ва самимият сезмабдилар. Ўғилларининг касаллик тарихини, ташҳислар ҳақидаги маълумотномалар ва рентген тасвирларини бир-бир кўргандай бўлибди-ю, бирдан:

— Кечикибсизлар, боланинг кўпи билан бир-бир ярим йиллик умри қолган. Жарроҳликнинг нафи йўқ. Фақат элликка-эллик кафолати бор, холос. Лекин хоҳласангиз ҳаракат қиламиз. Аммо хориж дори-дармонлари, ўрнатиладиган сунъий органлар жуда қиммат туради, — дебди шифокор.

Гап шу ерга келганда Шаҳриддин ака: “Ўғлим Шамсиддинжон, сен коридорга чиқиб тургин”,- дебдилар. Сўнг шифокорга қараб:

— Биродар, сиз бундай фаросатсизлигингиз билан соппа-соғ одамни ҳам ўлдириб қўясиз-ку, — дебдилар.

Профессор бари бир ўз фаросатсизлигини давом эттириб: “Мен сизни ўз илтимосим билан таклиф этганим йўқ. Бундай операция хорижда жуда қиммат туради. Сизни менга қадрдоним илтимос қилганлари учун арзонга операция қиламан. Агар шу айтилган маблағни топсангиз, саксон фоиз кафолати бўлади”, дебди. Аттанг, элликка эллик бирданига саксонга кўтарилибди. Ахир одам қадри худди мол бозоридаги савдога ўхшаб кетса. Қани минг йиллик одамийлигимиз, дид, фаҳм-фаросатимиз. Биз шунчалар худбинлашиб, тубанлашиб қолдик-ми? Одамнинг бирбирига қадри пул билан баҳоланадиган бўлиб бораётир. Ҳайронман, илгарилари қўпол гапни, совуқ сўзни ўта нозиклик билан қалбга малол келмайдиган қилиб айтиларди.

Айрим раҳбарларни қабулхонасида беш, ўн киши қимматли вақтини сарфлаб кутади. Бефаҳм раҳбар эса кимлар биландир ади-бади айтиб ўтиради. Ёки бўлмаса муҳим масалани ҳал этилаётганида телефон жиринглаб қолади. Яна раҳбар узундан-узоқ, арзимас гаплар билан сафсата сотиб, беодобларча одамларни куттириб қўяди. Фаҳм-фаросатли раҳбар эса бундай қилмайди. Ҳозир бундай раҳбарчалар кўпайиб кетган. Ўзини хон, қўланкасини майдон тутади. Одамнинг қадри ҳам, вақти ҳам бундайлар учун бир чақадир.

Ҳа, машинага чиқасизми, ошхонага кирасизми, нуқул дилхираликка, кўнгилсизликка дуч келаяпмиз. Бу кетишда фаҳм-фаросат, одамгарчиликни тополмай қолсак керак. Мусулмончиликдаги садақа, хайр-эҳсон, ҳиммат, саховат, мурувват кўрсатишликни қаердан излаб топамиз. Матбуотда ўзини ўзи мақташ учун тадбирлар ўтказувчилар пайдо бўлаётир. Закот, фитр садақаси, бойларнинг камбағалларга ҳурмати ва мурувват қани? Ушр деган яна бир анъана бор. Унда муҳтожларга, бева-бечораларга, ёлғиз кишиларга, етим-есирларга мева-чевалар ва зироатдан олинган ҳосилнинг ўндан бирини беришади. Ўн боғдан ёки ўн қопдан бири камбағалники эди. Одамлар масжидга борадилар, жума намозини ўқийдилар. Имом-хатиб бу хусусида куйиб-ёниб амри-маъруф қилади. Лекин, яна ўша-ўша виждонсизлик, ўша-ўша фаросатсизлик давом этаверади. Айтамиз, эшитамиз, лекин амал қилмаймиз. Нега?

Савдо расталарида, дўконларда, хулласки бозорларда сотувчилар, тижоратчилар ўзгалар ҳақига хиёнат қилишдан қўрқишмайди. Тўғриси, ҳаромхўр бўлиб қолишмоқда. Бу қабилидаги нопоклик имонни ҳаромлайди. Имонсизлик ўзини эмас, балки оиласини, жамиятни расво қилади. Худо ургани шу! Бундайларнинг охирати барбод бўлади.

— Бугунги кунда азалий фаҳм-фаросат тарбиясига дарз кетди, — дейди Балхиной момо деган танишим. Ҳозир кўпгина ҳовлиларга кириб ҳайрон қоласан, киши. Ҳожатхона уйнинг эшигига тўғри қилиб қурилган. Эркак кишининг ҳожатини тушуниш мумкиндир. Ахир аёл киши қандай қилиб, бундай ҳожатхонага кириб чиқади? Уят, андиша, шарм-ҳаё дегани қаерларда қолиб кетди. Яна бир мусулмончиликка номутаносиблик шундаки, олд ёки орқа томон билан қиблага қараб ўтирилади.- Фаҳм-фаросати бор одам ҳожатхонани бундай қилиб қурмайди. Кекса, биладиган одамлардан маслаҳат олиб иш кўрса, албатта бундай ноқулайлик юз бермаган бўларди. Ошхона, ҳожатхона ҳар қандай оиланинг маданиятли ёки маданиятсизлигини белгилайди-ку?! Баъзи бир хонадонларда бўлганимизда, шундай фаросатсизликларни кўриб ёқа ушлаб қоламиз. Келинми, қизими ҳовли супираётганда кўча ёки сувга қараб супуради. Ҳайрон қоламан. Нега буларга тўғри супуриш қоидаларини ўргатмаганми, деймен. Болам, қадимий қадриятларимиз ҳақида кўп гапирамиз, кўп ёзамиз. Лекин лоқайд ва эътиборсизмиз. Аззаб-базза одамлар ҳам чопонни елкасига ташлаб юрадиган бўлишган. Ахир, енгининг ичига шайтон кириб олишини билишмайдими? Мен куйиниб айтаётган бу нарсалар оддий гўл, назарга олинмайдиган бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Бироқ бу оддий нарсалар миллат шаънига доғ бўлиб қолаётир. Бу тарбияга, албатта, эътиборни жалб этмоқ лозим, — дейди Балхиной момо.

Ўзаро суҳбатлашиб туриб, фаросатсизлик қилиб, бир ножўя сўз билан бир кишининг дилини хуфтон қилиш мумкин. Фаросати йўқ одам шундай қилади. “Етти ўлчаб, бир кес, ўн марта ўйлаб бир гапир”, деган сўзлар ҳам фаросатлиликка боғлиқдир. Ҳазрат Жалолиддин Румий деганлар:

*Битта сўз оламни вайрон қилади,*
*Битта сўз қўрқоқни полвон қилади.*

Ҳа, фаҳм-диднинг кўзгуси, сўз эса тафаккур хазинасидир. Фаросатли фарзанд ва шогирдлар бир қараш ва имо-ишора билан нима демоқчи эканлигингизни фаҳмлайди. Бундайлар сизни оғир ва қийин вазиятлардан осонгина олиб чиқади. Фаҳм-фаросат тарбиясининг асоси оилада, таълим муассасаларида камол топса-да, унга мустаҳкам заминни кўп мутоала қилишлик орқалигина пайдо қилиш мумкин бўлади. Кўп ўқиган, кўпни кўрган, кўп ишлаган одамлар фаҳм-фаросат нималигини яхши билишади. Нимагадир кейинги пайтда тарбиямиз саёзланиб қолди. Манманлик, такаббурлик, кибр, риё каби иллатлар кунма-кун илдиз олиб, ажриққа ўхшаб, ҳамма томонни босиб олаётганга ўхшайди. Назаримда мантиқ, донишмандлик, мушоҳада, мунозара маданияти етишмаётгандай. Айниқса, шарқ донишмандлигининг мағзи-шеърий талқин, мушоира баҳсларига эътибор сусайган. Яна айтаман, ўқимаймиз. Интернет, компьютер хизматларини рўкач қиламиз. Техника, технологиялар бари бир ҳам одоб, ахлоқ, фаҳм-фаросат, одамийлик тарбиясини бера олмайди. Табиий жараён эса бу тарбиянинг дорулфунуни ҳисобланади. Баъзан кўринишимизга, кийимларимизга зеб берамизу, лекин фаросатга эътироб қилмаймиз. Очиқ-сочиқ юриш, бўлар-бўлмас сўзларни гапириш, қўполлик ҳолатлари “бойиб” бораётир.

Ҳозирги ёшлар орасида бутун-бутун достонларни, шеърий китобларни ёддан биладиганлари деярлик йўқ. Илгарилари Яссавийни, ҳофизни, Бедилни, Сўфи Оллоҳёрни, Машрабни, Жомий ва Навоийни ва шунга ўхшаш улуғ боболаримиз меросини ёддан айтиб берадиганлар кўп бўларди. Ҳатто, ўнлаб халқ достонларини ёддан билишган. Ҳозиргидек у вақтларда шоирлар кўп бўлмаган. Адабиётимизнинг янги авлоди етишиб чиқаётир. Ҳали шеъриятни ўзи тушуниб етмаган ҳолда китоблари чоп этилаётир. Муҳаббат нималигини билмаган ёшлар, бу туйғуларга гўё ошнолар. Ватан ҳақида китоб ёзадилару, Ватан тасаввурига эга эмаслар. Ғазал битадилар, аммо ғазални билишмайди. Ҳайрон қоласан киши. Бу “ўйин”лар кимга керак? Лекин улар айтаётган сўзлар мағзи тарози босаётгани йўқ. Ким шоир бўлмоқчи, ким обрў топмоқчи? Фаросатлиликнинг замини яхши асар ўқиш, қайноқ ҳаёт қозонида тобланиш орқалигина юзага келади. Зийраклик, уддабуронлик, яхшини ёмондан ажратишлик, камтаринлик каби хусусият ва фазилатлар дид-фаросатлиликни ўзида намоён қилади. Фақат фарқлаш, хулосалаш, синчковлик, шошмаслик каби ҳолатлар ҳам бу ўринда ўнг келади. Мағрурланмаслик, ҳа деб одамларга дашном бермаслик, эҳтиётсизлик қилиб, ноқулай аҳволга тушиб қолмаслик керак. Фаҳм — одам либоси, ақл, одоб-ахлоқ зийнати ҳисобланади.

Шундай! Фаҳм-фаросат тарбиясига оилада, таълим-тарбия масканларида эътиборни қаратиш керак. Бу тарбия эркакка ҳам, аёлга ҳам, ёшларга ҳам керак. Албатта фаҳм-фаросатли, дидлик бўлсак, ноўрин ҳижолатга тушиб, уялиб қолмаймиз. Бу тарбия ҳаётимизни нурафшон қилади. Унга эътибор қаратайлик!

**Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
**доцент**

Нашр

## ҲИДОЯТ САРЧАШМАСИ

***«Ҳидоят» журналининг навбатдаги сони ўз муштарийларига ҳавола этилди. Ушбу сонда саховат ва саломатлик руҳидаги қатор мақолалар ўрин олган.***



### НЕГА “АНДОҒДУРКИМ...” ДЕЙМИЗ?

Аниқ айтадиган гапи бўлмаган одам чайналади, бир гапириб икки тўхтайди. Нафақат ўзини, балки тингловчини ҳам қийнаб юборади. Бундай “Нотиқ”нинг жим тургани маъқул эмасми? Аслида, баъзан инсон сукут сақлаб ҳам яхшигина “гапириши” мумкин. Кимдир қош чимириб, кимдир мийиғида кулиб, умуман юзидаги имо-ишора билан ҳам сўзлайди одам. Гоҳида бу ҳолат, яъни, инсон юзидаги ифорда тинимсиз гапирган кимсанинг нутқидан таъсирли чиқади. Баъзида гапнинг эга-кесимини жойига қўйиб, сунъий бир куюнчаклик билан адабий тилда тарақлатиб гапирган кишининг гапидан кўра, шева сўзларини аралаштириб, юракдан сўзлаган кишининг гаплари кўпларга маъқул келади.

**Баҳодир НУРМУҲАММАД**

### СОВҒА УЛАШИШНИ ҚИЗЛАРДАН БОШЛАНГ

Аёл зоти гоҳида ханжар ўтмас тилсим, гоҳида капалак қанотидек нозиккина бир вужуд. Гоҳо сув бетида чарсиллаб ёнаётган оловдек... Ҳаво бирда очилиб, бирда булутланиб тургандек, аёл ҳам дилгир, гоҳ муздар бўлиб турланади.

Табиатан нозик аёл зоти, ўйлаб қарасангиз, турмушда ҳар хил машаққатни кўтаради: бировининг эри эрта қазо қилган, жўжабирдай сағирлари билан тул қолган, бировининг оилада бахти очилмаган, бошқа турмуш ҳақида дадил бир қарорга келиши учун қўйлагининг этаги оғирлик қилади, сағирлар чаппа ёпишган.

**Тўхтахон ДАВРОНОВА,**
**Булоқбоши тумани**

### ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Жаҳон киноматографиясининг бош совринни — “Оскар” мукофотини олишга тавсия этилган филмлар рўйхати эълон қилинди. “Энг яхши хорижий филм” йўналиши бўйича олтин мукофотга даъвогарлар орасида фаластинлик режиссёр Ҳони Абу Ассаднинг “Ҳозирги жаннат” филми ҳам бор. Истило шароитларида яшаётган фаластинликлар тақдири ҳақида ҳикоя қилади.

**“Религия и СМИ”**

### ҚАЛБ МУОЛАЖАСИ

Шошқалоқлик ва субутсизлик ҳам шайтон кирадиган эшиклардандир. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Шошқалоқлик шайтондандир, хотиржамлик Аллоҳдандир”, деганлар.

Бахиллик, камбағалликдан қўрқиш ҳам шайтон қалбга кирадиган эшиклардан. У инсонни инфоқ-эҳсон қилиш ва садақа беришдан қайтаради. Уни тинмай мол-дунё тўплашга ва аламли азобга чиқаради, мол жамлашда бир-бири билан беллашувчи кишиларга Қуръони каримда ваъда қилинган азобга етаклайди. Бахилликнинг сифатларидан бири мол жамлаш учун бозорларни кезишга ўчликдир. Бозорлар эса шайтонлар тўпланадиган жойлардир.

**“Қалб ажойиботлари китоби”дан**

### СЎНГГИ БОБУРИЙЛАР

Бир пайтлар оламни зир титратган бобурийларнинг шавкатли сулоласи шу тариқа аянчли ва фожеали хотима топиши муқаррар эди, аммо қудрати ва адолатини қарангки, Баҳодиршоҳнинг Мирзо Қуёш исмли ўғли — ёш гўдак бир тасодиф бўлиб омон қолади. Раҳмдил ва мурувватли инсонлар уни зулм чангалидан яшириниб асрайдилар. Кейинчалик, гўдак эс-ҳушини танигач, унга уқдирадиларки, ҳалок бўлмай десанг, ўзингнинг кимлигингни унут, ўзлигингни ошкор қилма...

**“Бобурийнома” китобидан олинди**

### АСАЛАРИ БОҚИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Март-апрел ойларида ҳар бир оила асаларини кўрикдан ўтказиш керак. Бунда оиланинг умумий ҳолати (кучли ёки заиф экани), ишчи арилар миқдори, она ари бор-йўқлиги ва овқат заҳираси текширилади. Бу паллада қишдан очиқиб чиққан, ёрдамга муҳтож оилаларга шакарли шарбат бериш жуда муҳимдир. Шарбатни энг четкада турган чорчўп (рамка)даги уяларга қуйиб берса бўлади.

Баҳор ойлари ҳар бир оилада ўртача саккиз кило асал, гул чанги қуйилган бир-иккита чорчўп бўлиши лозим.

**Жаҳонгир ҚЎЧҚОРОВ**

Ж.МИРЗО чизган




Аҳвол

## ЛОТОРЕЯЧИ ФИРИБГАРЛАР

Таътил тугаб Тошкентга ўқишга келиш учун автобусга ўтирдим. Автобус тиқилинч бўлганлиги учун манзилга етгунча асабларим анча таранглашди. Манзилга етиб автобусдан тушгач, мени кутиб тургандек, ёнимга нотаниш бир киши келиб “қалайсан?” дея қўлини тутди. Уни танимасамда, одоб юзасидан саломлашдим.

— Қўшработданмисан?

— Ҳа, нима эди? — дедим саволга савол билан.

— Бу ёққа юргин-да, — дея бир чеккага бошлади. Чарчаб турганим ва сумкамнинг оғирлиги туфайли эринибгина унинг орқасидан эргашдим. Бир вақт чўнтагидан нималарнидир чиқариб қўлимга тутқазди. “Бу нима?” дея уларни кўздан кечира бошладим, чеккалари ҳар-ҳар жойидан йиртилган, қўлда кўтариб юравергандан кир бўлиб кетган сохта лотареялар экан. Қандай ўйналиши-ю, қандай ютуқлар борлиги тўғрисида жаврай бошлади. Кейин шуни англадимки, бу киши мени алдаб пулимни олмоқчи. Кескин оҳангда гапини бўлдим:

— Ака, сизнинг ниятингиз нималигини тушуниб турибман. Афсус мени алдолмайсиз.

У бир нималарни бидирлаб, нари кетди. Тўғри, авваллари ушбу шоҳбекатда шундай фирибгарлар борлиги тўғрисида эшитгандим-у, лекин ишонмагандим.

Асабим бузилган ҳолда автобусга чиқиб бўш ўринга бориб ўтирдим ва бояги кишини кузата бошладим. У эса бир кишини ёнига борди ва нималарнидир гапира кетди. Ҳалиги киши соддароқ эканми, унинг гапларига чиппа-чин ишонди, шекилли, уни етаклаб бир чеккада карта ўйнаётган одамларнинг олдига олиб борди. Бундан англадимки, карта ўйнаётганлар ҳам унинг шериклари. У ёғидан ўтиб, бу ёғидан ўтиб ҳалиги кишининг чўнтагидаги бор пулини шилиб олишди. Кейинчалик алданганини билдими, тортиша бошлади. Лекин уларга ортиқча ғала-ғовур керакмасди. Ўзини гўёки ўйинчилардек тутиб, гоҳида ютқазиб, гоҳида ютиб ўтирган фирибгарлардан икки-учтаси ҳалиги кишини етаклаб олиб чиқиб кетишди.

Кейинчалик билсам, бу ерда ҳар куни шу аҳвол экан. Лўттивозлар ҳар куни жам бўлиб одамларнинг пулини шилишни касб қилиб олган экан. Тошкентга келгунимча хаёллар гирдобига ғарқ бўлиб келдим. Наҳотки улар Худодан қўрқмаса? Ҳалол меҳнат қилиб пулини мана бундай ғаламисларга олдириб қўйган одамларнинг аҳволини кўз олдимга келтирдим.

Агар бирор киши келиб фирибгарларга: “Бу қилаётган ишларинг яхшимас, Худодан қўрқинглар” — дея танбеҳ берса, албатта, тошингни тер дейишдан нарига ўтмайди. Гапни гапир уққанга, деганларидек, уларга гапиришнинг фойдаси йўқ.

Наҳот бундай кимсаларга нисбатан бирор бир чора кўрилмаса. Улар қачонгача одамларни ташвиши устига ташвиш орттириб юришаверади.

**Ғайратжон ҚУРБОНОВ,**
**ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси**

**КАТТАҚЎРҒОН МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКИ ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА**

**Каттақўрғон машина-трактор парки акциядорлик жамияти акциядорларининг 2006 йил 27 апрел, соат 15.00 да 2005 йил якунлари бўйича умумий йиғилиши ўтказилади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

***1. Каттақўрғон машина-трактор парки давлат акциядорлик жамиятининг 2005 йил якунлари бўйича иқтисодий-молиявий ва бошқа фаолияти ҳисоботи, 2006 йилдаги вазифалар.***

***2. 2005 йил якуни бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.***

***3. 2006 йилги бизнес режани кўриб чиқиш, харажатлар сметасини тасдиқлаш ва двиденд.***

***4. 2005 йил молиявий йил якуни аудит хулосасини тасдиқлаш.***

***5. 2006 йил жамият низомига ўзгартиришлар киритиш.***

***6. Жамият кузатув кенгаш бошқарув органини сайлаш:***

***а) жамият кузатув комиссияси аъзоларини сайлаш.***

***б) жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.***

***в) жамият ижро этувчи органларини сайлаш.***

***7. Бошқа масалалар.***

Бозор

# ТЎКИНЧИЛИК БЎЛСИН

Биз хоҳлаймизми, хоҳламаймизми ҳар куни кундалик эҳтиёжларни қондириш, бирор бир маҳсулот харид қилиш мақсадида тижорат дўконларига ёки бозорга тушамиз. Мақсад эса битта ўзимиз учун керакли бўлган маҳсулотни сотиб олиш. Кўпчилик ҳамюртларимиз эса ўша савдо расталарида ўзи етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотадилар. Бир нарсани унутмаслик керакки, ҳар бир товарнинг ўз харидори бор, ўз мижози бор. Юртимизда бозор муносабатларини шакллантириш эса муҳим масалалардан биридир. Савдо-сотиқ муносабатлари азалдан бизнинг менталитетимизга хос хусусият. Бунга биргина мисол сифатида савдо-сотиқ муносабатларини шакллантиришда муносиб ўринга эга бўлган Буюк Ипак Йўлининг Ўрта Осиё ҳудудидан ўтганлигини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя. Халқимизда “Бозор кўрган йигит”, “Бирор халқнинг маданиятини билмоқчи бўлсанг уни бозорини кўр” каби бир қатор иборалар тилга олинади. Албатта, бу бежиз эмас. Инсон бозорда ризқини топиш билан бирга, у ерда халқ орасида бўлиб муомала маданиятини ҳам ўрганиши шубҳасиз. Шу боис юртимизда бозорлар ободончилигига, уларнинг гўзаллигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, уларнинг сонини, шунингдек, сифат даражасини оширишга ҳам эътибор катта. Юртимизнинг қайси гўшасига борманг бир-биридан гўзал, замонавий бозорларни кўриб кўзингиз қувонади. Шундай бозорлардан бир нечтаси Навоий шаҳрида ҳам мавжуд бўлиб, улар шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Навоий шаҳар “Саховат” очиқ акциядорлик жамиятига қарашли бозорлар ҳам нафақат шаҳар, балки шаҳарга яқин қишлоқлар аҳолисининг ҳам эҳтиёжини қондиришга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. “Саховат” очиқ акциядорлик жамияти Навоий шаҳар ҳокимининг 1996 йил 6 июндаги 947/06 сонли қарорига асосан ташкил топган. Жамият ташкил топгандан буён бир қатор ижобий ва ҳавас қилса арзийдиган ишларни амалга оширди. Бундан 10 йил олдинги бозорлар ўрнига янги замонавий, жаҳон стандартлари даражасига жавоб бера оладиган бозорлар барпо этилганини айтиб ўтиш жоиз. “Саховат” очиқ акциядорлик жамияти таркибига шаҳар ҳудудида жойлашган Марказий деҳқон бозори, Тижорат деҳқон бозори, Гулистон деҳқон бозори ва Мол бозори киради. Мазкур бозорларда аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондира оладиган бир қатор маҳсулотларни савдо расталарида учратиш мумкин. Марказий деҳқон бозорида 1694 та савдо ўрни мавжуд бўлиб, унинг майдони 7076 метр квадратни ташкил этади. Тижорат деҳқон бозори эса 240 та савдо ўрнига эга. Бозорнинг майдони 600 метр квадратни эгаллаган. Гулистон деҳқон бозори 360 та савдо ўрнига эга бўлиб, унинг майдони 650 метр квадратни ўз ичига олган. Мол бозори эса 100 та савдо ўрнига эга бўлиб, ушбу бозорнинг майдони 600 метр квадратни қамраб олгандир.

Мазкур бозорларда асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотилади. Ушбу маҳсулотлар сотилишидан олдин лаборатория кўригидан ўтказилиб, сўнгра сотишга рухсат этилади. Бу эса бозорларда исътемолга яроқсиз маҳсулотларни аҳолига сотишнинг олдини олишда ёрдам беради. Маҳсулотлар сифатли бўлсагина улар харидоргир бўлишини яхши англаган сотувчилар доимо ўз мижозларига сифатли маҳсулот етказиб келмоқда.

“Саховат” очиқ акциядорлик жамиятининг 54 минг 147 дона акциялари мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда ҳаммаси тўлиқ расмийлаштирилган. Жамиятнинг 2005 йилдаги режаси 186 миллион 386 минг сўм белгиланган бўлиб, жамият мазкур суммани режада кўрсатилгандан ортиғи билан, яъни 193 миллион 078 минг сўмга етказди. Бу эса режага нисбатан 100,8 фоизга кўп бажарилганини кўрсатмоқда. Шунингдек, жамият маҳаллий бюджетга 95 милион 189 минг сўм маблағ кўчириб берганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. Марказий деҳқон бозори ҳудудида лойиҳа қиймати 492 миллион сўмлик янги бир қатор савдо расталари қурилиб тадбиркорларга топширилди. Бу ҳам тадбиркорларга, қолаверса, сотувчиларга бир қанча қулайликларни келтириб чиқарди. Бу янги айвон қурилишида “Саховат” очиқ акциядорлик жамиятини қурилиш бригадаси ташкил қилинди. Қурилишга 150 миллион сўм харажат қилиниб, натижада эса 342 миллион сўм маблағ иқтисод қилиб қолинди. Бундан ташқари ўтган йили 14 дона янги омборхона қурилиб тадбиркорларга ижарага берилди. Бу эса бозорлар имкониятларини кенгайганидан, “Саховат” очиқ акциядорлик жамиятининг ўз мижозларига керагича шароит яратиб беришга ҳаракат қилаётганлигидан далолат беради.

— Бизнинг асосий мақсадимиз сифатли ва керакли маҳсулотларни савдо расталарида сотилишига шароит яратиб, аҳоли кундалик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилишдан иборатдир. Шуни инобатга олган ҳолда, бизда асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотилиши боис улар савдо расталарига чиқишидан олдин лаборатория кўригидан ўтказилади. Бу эса сифатли маҳсулотлар бозорларимизни тўлдиришига имконият яратади. Бизнинг биргина истагимиз бозорларимиз тўкин, осмонимиз мусаффо бўлсин — дейди, “Саховат” акциядорлик жамияти бошқарув раиси Карим Муқимов. Жамиятдаги ҳар бир ижобий иш, ўзгаришлар, янгиланишлар бошқарув раисининг изланувчанлиги, ташаббускорлиги орқали амалга ошаётганини алоҳида айтиб ўтиш лозим.

Бугунги кунда бозорларнинг турли-туман маҳсулотлар билан тўлалиги кишиларда уларни танлаш имкониятини туғдиради. Яхши нарсадан ёмонини фарқлашга йўл очиб беради. Бозордаги савдо расталар эса аҳолининг талаби ва таклифига биноан хилма-хил маҳсулотлар билан бойийди. “Саховат” очиқ акциядорлик жамияти харидорлар ва сотувчилар талабини инобатга олган ҳолда улар эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда. Шу боис бир нарсани бот-бот айтгимиз келади, бозорларимиз тўкин бўлсин.

® **Отабек АСЛОНОВ,**
**“Ҳуррият” махсус мухбири**

Ўзлигини англаб ет Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 135-39-01, 41-52-72

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Ислом СУЛТОНОВ

® — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 655
Т: 3241
1 2 3 4 5 6

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.